

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 390-ҳадис

1. 390. Абу Идрис Хавлоний роҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади:

«Димашқ масжидига кирсам, тишлари ярақлаган бир йигит турибди. У билан бирга ҳам одамлар ўтиришибди. Агар бирор масалада ихтилоф қилишса, бу йигитга мурожаат қилишар эди. Бу йигит нима деса, ўшани қабул этишар эди. Шунда мен бу йигит ҳақида сўрасам, «Бу Муоз ибн Жабалдир», дейишиди. Эртаси кун барвақт масжидга келсам, Муоз мендан ҳам олдин келибди. Мен уни намоз ўқиётган ҳолда топдим. Намозни тугатишини кутиб турдим. Қачонки, намозини ўқиб бўлгач олд томонига ўтиб салом бердим. Ва: «Аллоҳга қасам, мен сизни яхши кўраман», дедим. Муоз: «Аллоҳ йўлида яхши кўрасанми?» дедилар. Мен: «Аллоҳ йўлида», дедим. Муоз: «Аллоҳ йўлида яхши кўрасанми?» дедилар. Мен: «Аллоҳ йўлида», дедим. Шунда у зот ридоимнинг бир томонидан ушлаб ўзига тортди-да, «Хурсандлик хабарини бергин, чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аллоҳ таоло: **Менинг йўлимда бир-бирларини яхши кўрувчиларга, Менинг йўлимда мажлис қуриб ўтирувчиларга, Менинг йўлимда бир-бирларини зиёрат қилувчиларга ҳамда Менинг йўлимда пулларини сарф этувчиларга муҳаббатим вожиб бўлди**», деди», деган сўзларини эшитганман», дедилар».

*Имом Молик «Муватто» китобларида сахих иснод билан ривоят қилганлар.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

